

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03./30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АЗИЗОВА ҚИЗЛАРХОН МАШРАБОВНА

**МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА БОШЛАНГИЧ СИНФ
ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ИНТЕГРАТИВ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

Азизова Қизлархон Машрабовна

Малака ошириш жараёнида бошланғич синф ўқитувчиларининг интегратив-
педагогик фаолиятини ривожлантириш..... 3

Азизова Кизлархон Машрабовна русча

Развитие интегративно-педагогической деятельности учителей начальных
классов в процессе повышения квалификации..... 22

Azizova Kizlarkhon Mashrabovna инглизча

Improvement of integrative - pedagogical activity of primary school teachers in the
process of professional development 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publication..... 45

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03./30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АЗИЗОВА ҚИЗЛАРХОН МАШРАБОВНА

**МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА БОШЛАНГИЧ СИНОФ
ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ИНТЕГРАТИВ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссиясида В2021.1.PhD/Ped1391 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий
кенгашнинг веб-саҳифаси www.tdpu.uz ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим портали –
www.ziyo.net манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Халиков Аъзам Абдусаломович
педагогика фанлари доктори (DSc), профессор

Расмий оponentлар:

Ҳакимова Муҳаббат Файзиёвна
педагогика фанлари доктори, профессор

Исакулова Нилуфар Жаникуловна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги
DSc.03./30.01.2020.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «10» июль соат
11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Бунёдкор кўчаси, 27-уй.) Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86;
e-mail: tdpu_kengash@edu.uz

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс
марказида танишиш мумкин. (1411 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11;
факс: (99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2021 йил «29» июнь да тарқатилди.
(2021 йил «29» июнь даги 6 - рақамли реестр баённомаси).

**Б.С.Абдуллаева**
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Р.Г.Исмаилов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доцент

Н.А.Муслимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим муассасаларида бошланғич синф ўқитувчиларини малакасини ошириш жараёнига замонавий таълим стандартларини киритиш, таълимни ривожланиш стратегиясини аниқлаштириш, интегратив-педагогик фаолиятни ривожлантириш механизмлари таълим жараёнига татбиқ этилган. “Корея Республикасида ўтказилган халқаро таълим форумида 2030 йилгача белгиланган концепцияда “бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш” долзарблиги кайд этилган¹. Бу бошланғич синф ўқитувчиларининг интегратив ёндашув асосида малакасини ошириш, замонавий таълим стандартлари таълим жараёнининг ўзаро боғлиқлиги, фанлараро алоқаларини мустаҳкамлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малака ошириш курсларини ривожлантиришга қаратилган амалий лойиҳаларни татбиқ этишга доир тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида таълим тизимини ахборотлаштириш, педагогик ва ахборот технологияларини интеграциялаш, малака ошириш жараёнига электрон ва масофавий таълимни жорий қилиш, ўқитувчиларнинг креатив салоҳиятини ошириш, модулли ўқитиш технологияларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, бошланғич синф ўқувчиларини ўқув фаолиятини ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш, ўқитишда инновация, интеграция ва янги технологияларини татбиқ этиш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида стратегиялар, инновациялар ва илғор тажрибаларни татбиқ этиш, бошланғич таълим тизимини сифат ва самарадорлигини ошириш бўйича илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш, янги авлод таълим дастурларини хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқишнинг ҳуқуқий меъёрлари яратилди, ҳамда таълим муассасаларининг моддий техник базаси ривожлантирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” фармонида “халқ таълими раҳбар ва педагог кадрларида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва масофадан ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда илғор педагогика ва инновацион технологияларни эгаллаш ҳамда уларни мактаблардаги ўқув жараёнига самарали татбиқ этиш кўникмаларини ривожлантириш”² масалалари устувор йўналиши сифатида белгилаб берилди. Шунга мувофиқ, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлашнинг

¹ Incheon declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).

² “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони 2019 йил 29 апрель www.lex.uz

сифат даражасини оширишда жаҳон амалиётига асосланган педагогик кадрлар малакасини ошириш тизимининг ўқув-методик таъминотини бугунги кун талаблар сифатида такомиллаштиришга кенг имкониятлар яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони ва 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада педагог кадрларни малакасини оширишнинг инновацион ва интеграцион масалалари А.Авазбаев, З.Э.Азимова, А.К.Аминов, А.Д.Асқаров, А.Т.Гулбоев, М.У.Деҳканова, К.З.Зарипов, А.Е.Ибрайимов, Р.Г.Исянов, Я.Исмадияров, У.А.Машарипова, Б.С.Нуридинов, Д.М.Сайфуров, Д.А.Ҳидоятова, А.А.Шаюсупова, Д.Х.Шадиятова, Т.Шоймарданов, М.Ж.Шодиевалар томонидан тадқиқ қилинган.

Таълимда педагогик интеграциялаш ва унинг психологик асослари М.Н.Берулава, Е.А.Капранова, Н.М.Назарова, М.И.Никитина, Н.Н.Малофеев, Н.Д.Шматко, Е.Н.Пузанкова, Н.В.Бочхова, В.А.Ситаров, А.И.Шутенко, Н.Горелик, А.Я.Данилюк, А.А.Журин, М.Н.Ирисбаева, Т.Каясова, А.А.Майер, Е.А.Соколков, А.П.Кондратенко, Н.Е.Буланкина, Н.К.Чапаевлар томонидан ўрганилган.

Хорижий тадқиқотлар тажрибасида интегратив ёндашув асосида методик таъминот масалалари бўйича L.Harvey, Jacqueline S.Goldberg, Bryan R.Cole, P. Duchastel, H.Brown, D.S.Ciuffetelli, Brahmawong Chaiyong, Jeffrey J.Burgard, Ronald J. Fitzgerald, M.Moore, G.Kearsleyлар тадқиқот ишларини олиб боришган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Бошланғич синф ўқитувчилари учун она тили фанларида интегрatív ёндашувлар методик мажмуасини яратиш» амалий лойиҳаси (2017-2020 й.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади интегрatív ёндашув асосида бошланғич синф ўқитувчиларининг малакасини оширишда методик тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бошланғич синф ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнини фалсафий, педагогик ва психологик имкониятларини таҳлил этиш;

бошланғич синф ўқитувчилари интегрatív-педагогик фаолиятини ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини аниқлаш;

бошланғич синф ўқитувчиларининг интегрatív-педагогик фаолиятининг концептуал моделни такомиллаштириш;

бошланғич синф ўқитувчиларининг интегрatív-педагогик фаолиятини ривожлантириш босқичларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти умумий ўрта таълим бошланғич синф ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёнида интегрatív-педагогик фаолиятини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида Жиззах, Андижон ва Қашқадарё вилоят ХТХҚТМОҚМларидан жами 305 нафар тингловчилар иштирок этган.

Тадқиқотнинг предмети бошланғич синф ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёнида интегрatív-педагогик фаолиятини ривожлантириш шакли, методи ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган методлар мажмуи қўлланди: назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик тажриба-синов ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқ.).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқитувчиларининг малакасини ошириш курсларида касбий эҳтиёжларга асосланган фанлараро яхлитлаш даражалари малака ошириш траекториясини шакллантириш жараёнида шахсда шаклланган ижтимоий-педагогик ва тарбиявий хусусиятларнинг алоқадорлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқитувчилари интегрatív-педагогик фаолияти интериоризация, импровизация, рефлексив ва шахсга йўналтирилган таълим технологиялари муаммоли топшириқларни еча олиш, ўзаро ёрдам, ўз-ўзини баҳолаш, ўзаро мусобақалаш, мустақил қарор қабул қилиш асосида ўқитувчи шахсининг индивидуал ёндашуви ҳамда ўқувчилар билиш фаолиятини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлаш асосида

такомиллаштирилган;

малака ошириш жараёнида бошланғич синф ўқитувчилари интегратив-педагогик фаолиятининг концептуал модели интегратив алоқадорликнинг таълимий-дидактик имкониятларини ўқув материални таълим мазмунининг шакли, бирлиги ва уни моддийлаштириш даражасига алоқадорлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

талабаларда миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантириш жараёнлари дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар, мақсадли курслар, вебинарлар ва ўқув материалларининг дидактик хусусиятлари, амалга ошириш босқичлари, технологияларини ривожлантириш мазмуни узлуксиз таълим жараёнларига рефлексив-ижодий эҳтиёжларга асосланган вариатив-модулли дастурларни киритиш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

малака ошириш жараёнида бошланғич синф ўқитувчиларининг интегратив кўникма ва малакалари тизимлаштирилган;

интегратив педагогик фаолиятга тайёргарлик мезонлари ва бошланғич таълимда интеграциялашган ўқитиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилган;

бошланғич синф ўқитувчиларининг интегратив-педагогик фаолиятининг концептуал модели ривожлантирилган;

“Она тили фанини ўқитиш методикаси” ўқув қўлланмаси нашр этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги бошланғич назарий қоидалар, тадқиқот муаммоси, объекти, предмети, мантиқи ва вазифаларига мос методлар мажмуини қўллаш билан, унинг методик базаси, назарий ишланмаларнинг педагогик тажриба-синовда текширилиши, ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши натижалари билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти малака ошириш тизимида бошланғич синф ўқитувчиларининг интегратив кўникма ва малакалари тизими, бошланғич синф ўқитувчиларининг интегратив-педагогик фаолиятининг концептуал модели, интегратив ёндашувнинг функционал, фан, тарихий функциялари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти малака ошириш жараёнида ўқув қўлланма, ўқув дастурларини яратишда ишлаб чиқилган интегратив-педагогик фаолияти мезонлари ва бошланғич таълимда интеграциялашган ўқитиш бўйича педагогик тавсиялардан ҳамда тингловчиларнинг интегратив-педагогик фаолиятини ривожлантириш технологияси босқичларидан фойдаланиш имконияти билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Малака ошириш жараёнида бошланғич синф ўқитувчиларининг интегратив-педагогик фаолиятини ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлари асосида:

когнитив, амалий, хиссий-кадриятли компонентларга устуворлиги ривожлантирилган, малака ошириш жараёнида бошлангич синф ўқитувчиларининг интегротив-педагогик фаолиятига оид таклифлардан А-4-134 рақамли «Олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчиларнинг касбий, педагогик ва маънавий-маърифий соҳалар бўйича босқичма-босқич малака ошириш технологиялари» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 123-сон маълумотномаси). Натижада, бошлангич синф ўқитувчиларининг малака ошириш курсларида фанлардан интеграция тизими аниқланган,

бошлангич синф ўқитувчилари интегротив-педагогик фаолиятида интегротив ёндашув (функционал, фан, тарихий), методик ёндашув (тизимли, комплекс, интегротив)нинг аниқлаштирилган функциялари ва умумий тушунчалар бўйича ўзига хос ҳамда йўналиши, пайдо бўлиши ва спецификаси бўйича фарқли хусусиятларига оид таклифларидан "Она тили фанини ўқитиш методикаси" ўқув қўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 522-сон буйруғи билан берилган № 522-092-сон гувоҳнома). Натижада, малака ошириш жараёнида бошлангич синф ўқитувчиларининг интегротив-педагогик фаолияти такомиллашувига хизмат қилган,

фан ичи, фанлараро, тизимлараро интегротив алоқадорлик орқали соҳавий, корпоратив, ҳудудий интегротив таълим бўйича такомиллаштирилган малака ошириш жараёнида бошлангич синф ўқитувчиларининг интегротив-педагогик фаолиятини ривожлантиришнинг концептуал моделига оид таклифлардан А-4-134 рақамли «Олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчиларнинг касбий, педагогик ва маънавий-маърифий соҳалар бўйича босқичма-босқич малака ошириш технологиялари» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 123-сон маълумотномаси). Натижада, бошлангич синф ўқитувчиларининг интегротив ёндашувдан фойдаланиши бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган,

принципиал ёндашув бўйича интегротив битирув малака ишлар орқали аниқлаштирилган бошлангич синф ўқитувчиларининг интегротив-педагогик фаолиятини ривожлантириш технологияси босқичларига оид таклифлардан "Она тили фанини ўқитиш методикаси" ўқув қўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 522-сон буйруғи билан берилган 522-092-сон гувоҳнома). Натижада, интегротив битирув малака ишлари мавзулари банки шакллантирилган ва битирув малака ишларини тайёрлаш бўйича методик кўрсатмалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 26 илмий-услубий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 7 та республика ва 3 та хорижий журналларда мақола тарзида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, асосий мати 166 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган ҳамда илмий-амалий аҳамияти, натижаларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми масалалари ўз аксини топган.

Диссертациянинг **“Малака ошириш жараёнида бошланғич синф ўқитувчилари интегратив-педагогик фаолиятини ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида таълим интеграцияси дидактиканинг илмий тоифаси сифатида ўрганилган, бошланғич таълим мазмунининг интеграцияси ҳамда бошланғич таълимда интеграциялашган ўқитиш хусусиятлари ёритилган.

Таълимдаги замонавий тенденциялар мазмунида ўқитиш мазмуни интеграциясининг долзарблиги ўқувчи шахси яхлитлигининг шаклланиши ва ривожланиши, унда оламнинг яхлит образининг шаклланиши зарурати билан асосланади. Шу тариқа, замонавий бошланғич таълимда таълим жараёнини ташкил этиш моҳияти ва шакли сифатида ўқитиш мазмунининг интеграцияси зарурати юзага келади. Таълимда интегратив жараёнлар – ўзининг ифодаланишига кўра мураккаб, комплекс ва кўп қиррали, фалсафий, психологик ва педагогик ёндашувлар таҳлилини талаб этувчи ҳодисадир. А.Я.Найн таъкидлашича, «илмий таҳлил ўрганиладиган педагогик ҳодисаларнинг ичига кириб бориш имконини берувчи ўзига хос воситаларни қўллашни талаб этади. Бундай воситанинг ролини, аввало, тушунчалар бажаради».

Тарихан «интеграция» тушунчаси педагогикада узоқ вақт давомида унинг таърифини ифодаланилмаган ҳолда қўлланилган. У интуитив тушунарли ва тушунтиришни талаб этмайдиган деб қаралган, аммо интуитив тасаввурларнинг етарли эмаслиги эртаги ёки кечми яққол ифодаланади:

«...интуитив равишда муайян тушунча билан одатда кўп ўзгарувчанлик боғланадиган мазмун»дир. Тадқиқот ишмида педагогик назария ва амалиёт доирасида амалга ошириладиган муаммони ҳал этиш учун «интеграция» тушунчасини таҳлил этиш муҳимдир.

Интеграциянинг универсаллиги – «умумий ва универсал ҳодиса», оламда «интегратив алоқадорликка эга бўлмаган нарса ва ҳодисалар мавжуд эмас» эканлигини англатади. Бу воқеликнинг онтологик ва гносеологик, эстетик ва қадриятли ҳамда коммуникатив ташкил этувчиларига – жонли ва жонсиз соҳаларига, барча соҳаларига, инсон фаолияти ва билишининг барча томонлари – педагоглар ва таълим олувчилар фаолияти, таълим ва тарбиянинг мақсадлари, принциплари, мазмуни, методлари, воситалари ва шакллариининг амал қилиши, педагогик билимнинг амал қилиши барча даражаларини камраб олади.

Интеграциянинг турли сифатларда хизмат қилиши, инсоннинг турли билиш ва фаолият соҳаларида ифодаланишининг турли шакллари (кўринишлари, турлари)га эга бўлиш хусусиятини ифодалайди.

Замонавий жамиятда содир бўлаётган ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар, сиёсий, иқтисодий ва илмий-техник соҳаларда интегратив жараёнларни кўзда тутиб, улар ўз навбатида таълим жараёнига янада аҳамиятли таъсир кўрсатмоқда. Масалан, Э.С.Маркарян замонавий дунёда фанлар интеграциясининг шароитлари қаторида «нисбатан мустақил соҳалар олдида илмий билимларнинг умумий муаммолари ва тадқиқот мақсадларининг юзага келиши, шунингдек, мазкур муаммолар ва мақсадларни ҳал этиш учун муайян унификацияланган билишга оид воситалар тизимининг (назариялар, тушунчалар, методлар ва б.к.) мавжудлигини» келтиради.

Интегратив асосда ўқитишни таъминловчи янги дастурлар ва ўқув-методик комплексларни ишлаб чиқиш мавжуд ўқув дастурларини бутунлай қайта кўриб чиқишни, шунингдек, янги мазмунни танлаш ва методик ташкил этишни кўзда тутди, аммо бошланғич таълимда бундай интеграция усуллари мавжуддир. Масалан, «Атрофимиздаги олам» фанида мазкур ёшга тушунарли даражада атрофдаги олам ва она Ватан тўғрисидаги физик, кимёвий, биологик, географик, тарихий, астрономик ва экологик билимлар интеграцияланган.

Диссертацияда бошланғич таълим мазмуни интеграцияси қуйидаги жараёнларда яққол ифодаланиши аниқланган:

фаннинг ички интеграцияси – алоҳида ўқув фанларидаги тушунчалар, билимлар, кўникмалар ва ҳ.к. интеграцияси;

фанлараро интеграция – икки ва ундан ортиқ фанлар далиллари, тушунчалари, принциплари ва ҳ.к. синтези;

интеграция – асосий ва қўшимча таълим мазмуни компонентлари синтези.

Малака ошириш жараёнида бошланғич синф ўқитувчиларининг интегратив-педагогик фаолияти когнитив, амалий, ҳиссий-қадриятли

компонентларга устуворлиги ривожлантирилган. Когнитив компонент – интегратив-педагогик фаолият мазмунини билиш учун ҳал этиладиган касбий услубий вазифаларни лойиҳалаш жараёнини ташкил этиш, бошланғич таълим соҳасидаги касбий фаолият ишлаб чиқариш технологияларидан танишишдан иборат. Амалий компонентда интегратив-педагогик фаолиятга тайёрлаш кўникмалари ва ўқув машғулотларини ўтказиш, мониторингни олиб бориш, услубий жиҳатдан самарали ташкил этиш ҳаракатлари (технологик, алоқа, ахборот), тажриба орттириш олиб борилади. Ҳиссий-қадриятли компонент – эса ташкил этиш жараёнида қадриятлар ориентирлари ва ўқув машғулотларини ўтказиш, касбий мотивлар фаолияти, психологик тайёргарлик, интегратив ўқитиш жараёнини ташкил этиш жараёнини лойиҳалаштириш ва баҳолашдан иборат.

Бошланғич синф ўқитувчилари интегратив-педагогик фаолиятини интегратив ёндашув (функционал, фан, тарихий) ва методик ёндашув (тизимли, комплекс, интегратив)нинг функциялари ва умумий тушунчалар бўйича ўзига хос ҳамда йўналиши, пайдо бўлиши ва спецификаси бўйича фаркли хусусиятлари аниқлаштирилган (1-жадвалга қаранг):

1-жадвал

Бошланғич синф ўқитувчилари интегратив-педагогик фаолиятининг ўзига хос ва фаркли хусусиятлари

№	Интегратив-педагогик фаолият ёндашувлари	Ўзига хос хусусиятлари		Фаркли хусусиятлари		
		Умумий тушунчалар	Функциялар	Йўналиши	Пайдо бўлиши	Спецификаси
1.	Интегратив ёндашув		функционал, фан, тарихий			
2.	Методик ёндашув		тизимли, комплекс, интегратив			

Диссертациянинг “Малака ошириш жараёнида бошланғич синф ўқитувчиларининг интегратив-педагогик фаолиятини ривожлантириш мазмуни, шакл ва воситалари” деб номланган иккинчи бобида интегратив ёндашув асосида бошланғич синф ўқитувчиларининг малакасини ошириш мазмуни, бошланғич синф ўқитувчиларининг интегратив-педагогик фаолиятини ривожлантиришнинг концептуал модели ҳамда интегратив-педагогик фаолияти тузилмаси ёритилган.

Бошланғич синф ўқитувчиларини ўқитиш тизимида таълим жараёни мазмунининг таҳлили интегратив жараёнларни амалга оширишнинг ички ва ташқи жиҳати имкониятларини ҳисобга олишда уларни амалга оширишнинг икки йўли кузатилишини кўрсатди. Ички интеграция йўли ўқитувчиларни тайёрлашнинг аниқ йўналишларидан бирининг тизимига кирувчи ўқув фанлари мазмунининг интеграциясини кўзда тутди. Ташқи интеграция

йўналиши мазмун интеграцияси ва барча учта йўналишларининг ўзаро тўлдирилишини кўзда тутати (ўқитувчининг маданиятшунослик, психологик-педагогик ва предметли-методик тайёрлаш).

Интегратив-педагогик фаолият – бу интеграция табақалантириш асосида ўзаро алоқадорликни ва предметли мазмуннинг маданий-таълимий материални жойлаштиришни структуралаштирувчи махсус ташкил этилган, мақсадга мувофиқ ўзгартирувчи фаолият ва ўқитиш субъектларини ўзлаштиришидир. Бу таълим муассасасининг маданий-таълимий муҳитини ташкил этишнинг ва таълим жараёни субъектларининг (ўқувчи ва ўқитувчи) индивидуал ривожланишларининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Малака ошириш тизимида интегратив-педагогик фаолиятнинг икки турини ажратиш мумкин – шакллантирувчи ва шакллантириладиган. Шакллантирувчи интегратив-педагогик фаолият – бу малака ошириш тизимида амалга ошириладиган ва тингловчиларда интегратив-фаолиятли сифатлар ва хусусиятларни ривожлантиришга йўналтирилган фаолиятдир. Шакллантириладиган интегратив-педагогик фаолият шакллантирувчи фаолиятнинг натижаси ҳисобланади.

Бошланғич таълимда ўқув жараёни мазмуни интеграциясини ўрганиш ва амалга ошириш бўйича бошланғич синф ўқитувчиларининг интегратив-педагогик фаолиятининг концептуал модели учун қуйидагилар зарур эди:

модел учун методологик асосларни танлаш;

ўқитувчиларнинг интегратив-педагогик фаолиятини амалга ошириш;

бошланғич таълимда ўқув жараёни мазмуни интеграциясини ўрганиш ва амалга ошириш бўйича малака ошириш тизими учун илмий асосланган интегратив таълим муҳитини ва унинг мазмунини шакллантириш;

бошланғич синф ўқитувчиларининг интегратив-педагогик фаолиятини ривожлантиришнинг мезонлари ва даражаларини аниқлаш (бошланғич ва якуний) ҳамда уни диагностика методлари билан боғлаш.

Бошланғич синф ўқитувчиларининг интегратив-педагогик фаолиятини ривожлантиришнинг концептуал моделини ишлаб чиқишда қуйидаги методологик қондалар ва концепцияларга таяндик:

педагогикада интегратив жараёнлар илмий билимлар ривожланиши тенденцияси сифатида;

ўзаро боғлиқ босқичлар кетма-кетлиги сифатида яхлит педагогик жараён тўғрисидаги тасаввурлар;

яхлит ҳодиса сифатида ўқитиш жараёнини ташкил этишга тизимли ёндашувни асослаш;

фикрлаш амалларини босқичма-босқич шакллантириш назарияси;

педагогик жараён иштирокчиларининг инсонпарварлик турига, уларнинг ўзаро алоқалари ва ўзаро ривожланишларига асосланган шахсий йўналтирилган ўқитиш концепцияси.

Малака ошириш жараёнида бошланғич синф ўқитувчиларининг интегратив-педагогик фаолиятининг концептуал модели фан ичи, фанлараро, тизимлараро интегратив алоқадорлик орқали соҳавий, корпоратив, худудий

Иктымолй буюрты: Малака ошириш жараёнида бошлангич синф ўқитувчиларининг интегратив-педагогик фаолиятини ривожлантириш

Мақсидий блок	Мақсид: Малака ошириш жараёнида бошлангич синф ўқитувчиларининг интегратив-педагогик фаолиятини ривожлантириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқишдан иборат
	Вазифалар: Малака ошириш жараёнида бошлангич синф ўқитувчиларининг интегратив-педагогик фаолиятини ривожлантириш учун педагогик шарт-шароитлар яратиш

Назарий-методологик блок		
Ёндашувлар: шахсга йуналтирилган, интегратив, компетенциявий	↔	Тамойиллар: интегратив, инсонпарварлик, таълим

Интегратив-педагогик блок			
Интеграциянинг таълимий компоненти	↔	Интеграциянинг компоненти	илмий-амалий
Интеграциянинг ижтимоий-маданий компоненти	↔	Интеграциянинг компоненти	илмий-тадқиқот

Мазмунли блок		
Бошлангич синф ўқитувчилари малака ошириш жараёнининг интегратив мазмуни	Малака ошириш фаоллигининг интеграцияси	Бошлангич синф ўқитувчилари малака ошириш жараёнининг интегратив шакл ва методлари
Интеграция йуллари	Бинар алоқаларни оптималлаштириш	Гуруҳли шакл
Модул дастурларининг интеграцияси	Интеграция алоқаларининг муаммолари	Индивидуал ва гуруҳли таълим лойиҳалари
Педагогик амалиётда интеграция	Интеграция таснифлари	Интерфаол методлар
Бизнинг малакавий ишлар интеграцияси	Интеграциявий жараёнларни коррекциялаш	Методик ишлар базаси

Процессуал-фаолиятли блок		
Педагогик шарт-шароитлар	Интеграция воситачилари	Методик воситалар
<ul style="list-style-type: none"> ○ Мазмунли шарт-шароитлар ○ Технология шарт-шароитлар ○ Шахсий шарт-шароитлар 	<ul style="list-style-type: none"> ○ Таъкидловчи ○ Шакллантирувчи ○ Якуний 	<ul style="list-style-type: none"> ○ Ўқув ва ишчи дастурлар ○ Ўқув-услубий мажмуалар ○ Ўқитиш технологияси ○ Малака ошириш курслари ○ мультимедияси

Диагностик блок		
Мезонлар	Кўрсаткичлар	Даража
Мотивация, мазмунли-дидактик, таълимий-фаолиятли, рефлексив-ижодий	Йуналтирувчи, моделлаштирувчи, лойиҳаловчи	юқори, ўрта, паст

Натижа: Малака ошириш жараёнида бошлангич синф ўқитувчиларининг интегратив-педагогик фаолияти ривожлантирилган

1-расм. Малака ошириш жараёнида бошлангич синф ўқитувчилар интегратив-педагогик фаолиятининг концептуал модели

интегрatív таълим бўйича ривожлантирилган. Педагогиканинг яхлит педагогик жараён тўғрисидаги мавжуд назариясига таяниб, бошланғич синф ўқитувчиларининг интегрatív-педагогик фаолиятининг концептуал модели мақсадли, назарий-методологик, интегрatív-педагогик, мазмунли, процессуал-фаолиятли ва диагностик блоклардан иборат (1-расмга қаранг).

Соҳавий интегрatív таълим – бошланғич синф ўқитувчиларининг малака оширишда давлат талабларига мослаштирилган интер-даражали ўқув дастурлари, интегрatív-педагогик фаолиятни бошқариш ва сифатни назорат қилиш, шу жумладан, иш берувчилар ва соҳа вакилларининг бевосита иштироки бошқарув ва биргаликдаги фаолиятнинг бошқа шакллари.

Корпорatív интегрatív таълим – мутахассислик (Бошланғич таълим) фанлари модулида бошланғич таълим фанларини ўқитиш методикаси интеграцияси амалга оширилади. Бунда “Она тили фанини ўқитиш методикаси”га 10 соат ажратилган бўлиб, қуйидаги мавзулар ўргатилади:

бошланғич таълим она тили фанидан ўқув дастури, дарслик ва методик қўлланмалар мазмуни – 2 соат;

савод ўргатиш даврида ёзувга ўргатиш методикалари – 2 соат;

бошланғич таълим она тили фанидан ўқувчилар билим, кўникма, малакаларини баҳолаш ва назорат турлари – 2 соат;

бошланғич таълим она тили фанини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари ва ўқитиш методлари – 2 соат;

бошланғич синф она тили дарсларида очиқ дарсларни ўтказиш ва уларни таҳлил қилиш – 2 соат.

Худудий интегрatív таълим – эҳтиёжлар асосида кўп даражали ва турли дастурларга қаратилган давлат буюртмасини бажариш учун касбий тайёргарликнинг инновацион ривожланиши амалга оширилади. Мазкур таълимни амалга ошириш учун таълим муассасаси ихтиёридаги соатлар ҳисобидан фойдаланилади. Бундай лойиҳалардан таълим жараёнида фойдаланиш тингловчиларни ўз олдида юзага келган муаммоларни ҳал қилишда мустақилликка ундаш, топшириқларни ечиш, фикрлаш қобилиятларини турли усуллар билан таклиф қилиш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган. Тингловчилар гуруҳлари бундай лойиҳаларни амалга ошириш учун энг самарали ҳисобланади.

Бошланғич синф ўқитувчисининг интегрatív-педагогик фаолиятини ривожлантириш бошланғич таълим мазмунининг интеграцияси соҳасидаги касбий фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш учун шахсий имкониятларни ўзгартириш билан боғлиқ бўлган компетенциялар тизими билан ифодаланади. Шунга кўра, бошланғич синф ўқитувчи-тингловчиларининг интегрatív-педагогик фаолиятини ривожланиши психологик, илмий-назарий ва амалий каби учта қисмдан ташкил топиши керак. Бошланғич таълимда интегрatív-педагогик фаолиятни амалга ошириш учун унинг методологик рефлексиясини ташкил этувчилар сифатида

педагогга зарур бўлган касбий аҳамиятли тасаввурлар ва билимларни киритиши керак (2-жадвалга қаранг).

Битирув малакавий лойиҳалари устида интеграциялашган ҳолда ишлаш, тингловчилар олган билим миқдорини оширади, тажриба алмашади, ўзаро ҳамкорлик ва жамоавий ишларни оширади. Тингловчилар бошқаларнинг фикрларини қабул қилиш, лойиҳа гуруҳидаги ҳар бир иштирокчига жамоа ролларини белгилаш, ижодий жамоада масъулият, ўз ишларини режалаштириш, тугалланган лойиҳаларни тақдим этиш ва ҳимоя қилишни ўрганадилар.

2-жадвал

Бошланғич синф тингловчи-ўқитувчиларининг интегрatív-педагогик фаолияти кўрсаткичлари

Бошланғич синф тингловчи-ўқитувчиси	
Тасаввурга эга бўлиши керак:	Билиши керак:
бошланғич таълимда замонавий интегрatív тенденциялар тўғрисида; «интеграция» тушунчаси мазмунининг фалсафий ва умумилмий жиҳатлари тўғрисида; интеграциялашган ўқитишнинг психологик асослари тўғрисида; педагогик интеграция муаммоси ривожланишининг тарихий босқичлари тўғрисида; интеграциянинг даражалари, кўлами ва шакллари тўғрисида; интеграциялашган ўқитиш технологиялари тўғрисида; бошланғич таълим амалиётига киритилган янги интеграциялашган	бошланғич таълимда фойдаланиладиган интеграция шакллари; интегрatív асосда ўқитиш функциялари ва натижалари; бошланғич синф учун айрим янги интеграциялашган ўқув курсларнинг назарий асослари; интеграциялашган курсларни қуриш шартлари, принциплари ва технологиялари; интеграциялашган дарс белгилари, шакллари, босқичлари; интеграциялашган дарс таҳлили схемаси

Юқоридагиларнинг барчаси натижасида уларнинг жамоавий ишлаш тажрибаси шаклланади. Интегрatív битирув малака иши лойиҳаларини амалга оширишнинг тўрт босқичи мавжуд.

1. Кириш босқичи. Бу босқичда тингловчилар малака иши лойиҳасини бажариш учун ўқитувчидан топшириқлар оладилар, уни амалга ошириш натижасида ҳал қилиниши лозим бўлган техник вазифани, бажариладиган ишлар миқдори, тушунтириш ёзувининг мазмуни ва чизмалар рўйхатини муҳокама қиладилар. Шу босқичда тингловчилар ишчи гуруҳлар ва ишларни амалга ошириш режалари ишлаб чиқиладди.

2. Лойиҳа устида ишлаш босқичи. Бу босқичда тингловчилар ўқитувчи билан маслаҳатлашган ҳолда лойиҳани якунлайдилар. Иккинчи босқич

давомида тингловчицлар жамоавий ролларни тақсимлайдилар, фаолият соҳаси ва ҳар бир жамоа вазоси бажариши лозим бўлган иш миқдорини аниқлайдилар. Лойиҳани амалга ошириш давомида юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликлар таҳлил қилинади.

3. Лойиҳани тақдим этиш ва ҳимоя қилиш босқичи. Лойиҳани тақдим этиш ва ҳимоя қилиш ошқора амалга оширилади. Тингловчилар тугалланган ишларини намойиш этадилар, битирув малака иши лойиҳасининг асосий қонда ва хулосалари ҳақида қисқача маъруза қиладилар, сўнг ўқитувчи саволларига жавоб берадилар. Қўйилган вазифаларни ҳал этиш ҳақида хулоса чиқарилади.

4. Якуний босқич. Якуний босқичда тингловчилар ўқитувчи билан биргаликда лойиҳалаш натижаларини таҳлил қиладилар, лойиҳанинг заиф томонларини аниқлайдилар, уларни бартараф этиш режаларини тузадилар.

Бошланғич синф ўқитувчиларининг интегротив-педагогик фаолияти ривожлантириш даражалари (репродуктив, қисман-изланишли, тадқиқотчилик ва ижодий) ни баҳолаш методикаси кўп жиҳатдан интеграция ва интегротив-педагогик фаолиятнинг назарий асосларини идрок этиш динамикаси, уларни ўзлаштириш ва амалий фаолиятда амалга ошириш даражаси билан белгиланади.

Диссертациянинг “Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва унинг натижалари” деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларини мазмуни ва тажриба-синов ишида олинган таҳлили келтирилган. Бошланғич синф ўқитувчиларининг интегротив-педагогик фаолиятини ривожлантириши юзасидан Андижон, Жиззах ва Қашқадарё вилоятлари халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказларида педагогик тажриба-синов ишлари ташкил этилди (3-жадвалга қаранг):

3-жадвал.

Танлаб олинган таълим муассасалари ва ундаги иштирокчи сони

№	Таълим муассасалари	Иштирокчилар сони	Тажриба гуруҳлари	Назорат гуруҳлари
1.	Жиззах вилоят ХТХҚТМОҲМ	102	52	50
2.	Андижон вилоят ХТХҚТМОҲМ	101	50	51
3.	Қашқадарё вилоят ХТХҚТМОҲМ	102	53	49
Жами		305	155	150

Бошланғич синф ўқитувчиларининг интегротив-педагогик фаолиятини ривожлантириш 3 босқичда, яъни йўналтирувчи, моделлаштирувчи ва лойиҳаловчи босқичларда амалга оширилди.

Бошланғич синф ўқитувчиларининг интегратив-педагогик фаолиятини ривожлантиришнинг биринчи-йўналтирувчи босқичи «Бошланғич таълим ўқитувчилари» малака йўналиши тингловчиларининг малакасини ошириш қўшимча касб таълими дастурининг «Бошланғич таълим мазмуни интеграцияси» вариатив курсини ўрганиш давомида, шунингдек, бошланғич синф ўқитувчилари иштирокида илмий-амалий семинарларни ўтказиш давомида бошланғич таълим мазмуни интеграциясининг хусусиятларини назарий-эмпирик ўзлаштиришга йўналтирилган эди.

Бошланғич синф ўқитувчиларининг интегратив-педагогик фаолиятини ривожлантиришнинг иккинчи-моделлаштирувчи босқичи малака ошириш тизимида ижодий гуруҳ ишининг таркибий қисми сифатида «Бошланғич таълим педагогик назарияси ва амалиётида интеграция» (78 соат) махсус курсини ўрганишни назарда тутди. Мазкур босқич тингловчининг субъектив тажрибасидаги мавжуд билимларни ва махсус курсни ўрганишда эгалланган назарий билимларни тизимлаштириш ҳамда амалий ижодий фаолият давомида интеграциялашган дарслар мазмунини моделлаштириш амалий кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилди.

Бошланғич синф ўқитувчиларининг интегратив-педагогик фаолиятини ривожлантиришнинг учинчи-лойиҳаловчи босқичи касбий фаолиятда бошланғич таълим мазмунининг интеграцияси (интеграциялашган дарслар, бўлимлар, курслар) назарий моделларини лойиҳалашда индивидуал педагогик тажрибани умумлаштиришга ва уни тарқатишга йўналтирилган.

Экспериментал педагогик жараённи шакллантириш давомида биз куйидаги вазифаларни ҳал этдик:

интегратив-педагогик фаолият малакалари шаклланганлиги даражаларини аниқлаш учун диагностик воситаларни ишлаб чиқиш;

шакллантирувчи тажриба-синовнинг ҳар бир босқичидаги вазифалар, мазмун ва мантиғини ифодаловчи мақсадларни белгилаш;

тингловчининг интегратив-педагогик фаолиятга тайёргарлиги тузилмасида операцион компонентни шакллантиришга йўналтирилган ўқув вазифалари мазмунини ишлаб чиқиш;

бошланғич таълимда интегратив-педагогик фаолиятини ривожлантириш даражасини ишончли аниқлашга имкон берувчи ўқитувчи амалий фаолиятида долзарб бўлган амалий топшириқлар тизимини танлаш;

ўқитувчи амалий фаолияти учун долзарб бўлган бошланғич таълим мазмунининг интеграция назариясини мустақил лойиҳалаш учун йўналишларни аниқлаш.


Ўқитиш самарадорлиги охириги учинчи босқичда ўртача 17% га ошганлиги статистик усуллар орқали исботланди. Диаграмма ва юқоридаги ҳисоб натижалари ва статистик мезоннинг қийматига кўра дастлабки олинган натижалар тажриба ва назорат гуруҳларининг ўқитиш натижасида эгаллаган интегратив жараёнларни амалга ошириш бўйича малакалари юқори эканлигидан далолат беради.

Амалга оширилган тажриба-синов ишлари жараёнида бошлангич синф ўқитувчиларининг интегратив-педагогик фаолиятини ривожлантириш даражалари тажриба ва назорат гуруҳлари натижалари математик статистик усуллардан бири Фишер мезони орқали статистик таҳлил қилинди. Тажриба гуруҳининг 155 нафар, назорат гуруҳининг 150 нафар тингловчиларининг интегратив-педагогик фаолияти малакаларини ўзлаштириш кўрсаткичлари асос сифатида олинди. Педагогик тажриба-синов ишлари жараёнида тажриба ва назорат гуруҳлар тингловчиларининг интегратив-педагогик фаолияти малакалари орасида фарқ мавжуд. Бундан кўринадики, тажриба ва назорат гуруҳларида ўтказилган синов ишларидан олинган натижаларда самарадорлик мавжуд. Ушбу ҳисобларни умумий ҳолда қуйидаги жадвалда ифодалаймиз (4-жадвалга қarang):

4-жадвал.

Тажриба ва назорат гуруҳлари натижалари

Интегратив-педагогик фаолият малакалари	Тажриба	Назорат	Экспирик қиймат	Критик қиймат	Хулоса
Ғиёсий	0,661	0,521	2,50	1,67	$\Phi_{\text{таж}}=2,50 > \Phi_{\text{крит}}(0,05)=1,67$ булгани учун H_1 гипотеза қабул қилинди
Лоғиқавий	0,731	0,556	3,21	1,67	$\Phi_{\text{таж}}=3,21 > \Phi_{\text{крит}}(0,05)=1,67$ булгани учун H_1 гипотеза қабул қилинди
Конструктив	0,816	0,644	3,42	1,67	$\Phi_{\text{таж}}=3,42 > \Phi_{\text{крит}}(0,05)=1,67$ булгани учун H_1 гипотеза қабул қилинди
Ташкилий	0,772	0,607	3,14	1,67	$\Phi_{\text{таж}}=3,14 > \Phi_{\text{крит}}(0,05)=1,67$ булгани учун H_1 гипотеза қабул қилинди
Коммуникатив	0,888	0,773	2,71	1,67	$\Phi_{\text{таж}}=2,71 > \Phi_{\text{крит}}(0,05)=1,67$ булгани учун H_1 гипотеза қабул қилинди
Умумий ўрточ	0,774	0,620	2,9	1,67	$\Phi_{\text{таж}}=2,29 > \Phi_{\text{крит}}(0,05)=1,67$ булгани учун H_1 гипотеза қабул қилинди



3.8-расм. Самарадорлик кўрсаткичларининг таққослама диаграммаси

Ўқитиш самарадорлиги охириги учинчи босқичда ўртача 17% га ошганлиги статистик усуллар орқали исботланди. Диаграмма ва юқоридаги ҳисоб натижалари ва статистик мезоннинг қийматига кўра дастлабки олинган натижалар тажриба ва назорат гуруҳларининг ўқитиш натижасида эгаллаган интегратив жараёнларни амалга ошириш бўйича малакалари юқори эканлигидан далолат беради.

ХУЛОСА

1. Бошланғич таълимни модернизациялашнинг замонавий шароитларида мавжуд муаммоларидан бирини ташкил этишнинг янги мазмуни ва шакллариининг юзага келиш моҳияти таълим жараёнини ҳаракатлантирувчи асос сифатида интеграциянинг зарурати ҳисобланади. Натижада, малака ошириш жараёнида бошланғич синф ўқитувчиларининг интегратив-педагогик фаолияти когнитив, амалий, ҳиссий-қадриятли компонентларга устуворлиги ривожлантирилган.

2. «Педагогик интеграция» тушунчасининг моҳияти бошланғич таълимда интегратив-педагогик фаолиятни амалга ошириш шароитларида кўп қиррали яхлитликни ривожлантириш жараёни ва натижаси сифатида таърифланади. Бошланғич синф ўқитувчилари малакасини оширишнинг вариатив ва муаммоли курсларининг таълим дастурларида педагогик интеграция муаммосини дастурнинг барча бўлимлари мазмуниининг асосий компоненти ва мақсадига мувофиқ интегратив технологиялари билан таъминланган мазмун амалга оширилди. Бошланғич синф ўқитувчилари интегратив-педагогик фаолиятининг ўзига хос ва ўхшаш хусусиятлари аниқланган.

3. Бошланғич синф ўқитувчиларининг интегратив-педагогик фаолиятининг концептуал модели «мазмун интеграцияси» (ўқитишда).

«интеграцияланган ўқитиш» тушунчалари, мазмун интеграцияси турлари, унинг даражалари, омиллари аниқлаштирилди. Малака ошириш жараёнида бошланғич синф ўқитувчиларининг интегротив-педагогик фаолиятининг концептуал модели фан ичи, фанлараро, тизимлараро интегротив алоқадорлик орқали соҳавий, корпоратив, ҳудудий интегротив таълим бўйича ривожлантиришни тақозо этди.

4. Интегротив-педагогик фаолиятга ривожлантиришнинг мезонлари сифатида касбий малака оширишда қадриятли йўналганликнинг ифодаланганлиги хизмат қилади: мазмун интеграцияси муаммосига қизиқиш; анланган фаолиятнинг шахсий-аҳамиятли мазмуни; мазмун интеграциясининг етакчи воситаларини билиш, малакалар тизимининг шаклланганлиги (гностик, лойиҳавий, конструктив, ташкилий, коммуникатив), касбий ижоднинг ривожланганлиги.

5. Бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий малакасини оширишда ўқув жараёни мазмуни соҳасидаги интегротив-педагогик фаолиятга ривожлантиришнинг ҳал этувчи шарти таълимнинг турли компонентлари ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро таъсирини акс эттирувчи тингловчини ўқитишда кўп даражали уч босқичли ёндашув ҳисобланиши исботланган. Бошланғич синф ўқитувчисида интегротив-педагогик фаолиятини ривожлантириш мезонларининг репродуктив, қисман-изланишли, тадқиқотчилик, ижодий даражаларини ажратиш имконини берди.

6. Бошланғич синф ўқитувчиларининг интегротив-педагогик фаолиятини ривожлантириш технологияси босқичлари принципиал ёндашув бўйича интегротив битирув малака ишлари орқали аниқлаштирилган. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертациянинг принципиал ҳолатлари ва хулосаларининг методологик боғлиқлиги, тадқиқот методларининг мақсадлари, вазифалари, тажриба-синов маълумотларининг репрезентативлиги (вакиллари) билан таъминланган.

Малака ошириш жараёнида бошланғич синф ўқитувчиларининг интегротив-педагогик фаолиятини ривожлантириш мақсадида амалга оширилган экспериментал тадқиқотлар олиб бориш натижасида қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

бошланғич синф ўқитувчиларининг интегротив-педагогик фаолиятини ривожлантиришда ишлаб чиқилган интегротив битирув малака ишларини тайёрлаш босқичларини оммалаштириш;

малака ошириш жараёнида бошланғич синф ўқитувчиларининг интегротив-педагогик фаолиятининг концептуал моделини амалиётга жорий этиш;

бошланғич синф ўқитувчиларининг интегротив-педагогик фаолиятини ривожлантириш технологияси босқичларидан малака ошириш тизимларида фойдаланиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03./30.01.2020.Ped.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

АЗИЗОВА КИЗЛАРХОН МАШРАБОВНА

**РАЗВИТИЕ ИНТЕГРАТИВНО-ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ
УЧИТЕЛЕЙ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ В ПРОЦЕССЕ ПОВЫШЕНИЯ
КВАЛИФИКАЦИИ**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тошкент – 2021 год

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2021.1.Phd/Ped1391.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете имени Низами.

Автореферат диссертации доктора на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице www.tdpu.uz информационно-образовательном портале «ZIYONET» по адресу www.ziyonet.uz.

Научный руководитель: Халиков Аъзам Абдусаломович,
доктор педагогических наук, (DSc), профессор

Официальные оппоненты: Хакимова Мухаббат Файзиевна
доктор педагогических наук, профессор

Исакулова Нилуфар Жаникуловна
доктор педагогических наук, профессор

Ведущая организация: Джиззакский государственный педагогический институт

Защита диссертации состоится 10 июня 2021 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03./30.01.2020.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Булёткор, дом №27). Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирован № 1481). Адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Булёткор, дом №27). Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Автореферат диссертации разослан 29 июня 2021 года.
(протокол рассылки № 6 от 29 июня 2021 года).



Б.С.Абдуллаева

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.пед.н., профессор

Р.Г.Исханов

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней,
к.пед.н., доцент

Н.А. Муслимов

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, д.пед.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы. В мировых образовательных учреждениях осуществляется внедрение современных образовательных стандартов в процесс повышения квалификации учителей начальных классов, определение стратегии развития образования, развитие интегративной и педагогической деятельности. В концепции до 2030 года, принятой в рамках Международного образовательного форума, проведенного в Республике Корея, подчеркивается важность «создания возможностей для качественного образования на протяжении всей жизни»³. Ведется планомерная работа по реализации практических проектов, направленных на повышение квалификации учителей начальных классов на основе комплексного подхода, взаимосвязи образовательного процесса с современными образовательными стандартами, укрепления междисциплинарных связей, переподготовки и развития курсов повышения квалификации.

Проводится научно-исследовательская работа по информатизации системы образования в мировых образовательных и исследовательских учреждениях, интеграции педагогических и информационных технологий, внедрению электронного и дистанционного обучения в процесс повышения квалификации, повышению творческого потенциала учителей, расширению доступа к модульным технологиям обучения, развитию учебной деятельности учащихся начальных классов. Особое внимание уделяется исследованиям по развитию познавательной активности учащихся, внедрению инноваций, интеграции и новых технологий в обучение, внедрению стратегий, нововведений и передового опыта в переподготовку и повышение квалификации, повышение качества и эффективности начального образования.

В сфере дальнейшего совершенствования системы переподготовки и повышения квалификации работников народного образования созданы правовые нормы для разработки образовательных программ нового поколения с учетом зарубежного опыта, а также развитие материально-технической базы образовательных учреждений. На основании Указа Президента Республики Узбекистан от 29 апреля 2019 года № ПФ-5712 «Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года», приоритетом являются «развитие навыков руководителей и учителей народного образования для овладения передовой педагогикой и инновационными технологиями с использованием современных информационных и коммуникационных технологий и методов

³ Incheon declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).

дистанционного обучения и их эффективное внедрение в образовательный процесс в школах»⁴.

Соответственно, в повышении качества подготовки, переподготовки будет создан широкий спектр возможностей по совершенствованию учебно-методического обеспечения системы повышения квалификации учителей на основе современных требований.

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует реализации задач, поставленных в распоряжениях Президента Республики Узбекистан и других нормативных актах в этой области, в частности, Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан», Указе Президента Республики Узбекистан № УП-5712 от 29 апреля 2019 года «Об утверждении Концепции народного образования Республики Узбекистан до 2030 года», Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 6 апреля 2017 г. № 187 «Об утверждении государственных образовательных стандартов общего среднего и среднего специального, профессионального образования», а также о выполнении задач, поставленных другими нормативными актами в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетам развития науки и технологий республики. Данная исследовательская работа проводилась в соответствии с приоритетом развития науки и техники республики I «Духовное, нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

